



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 17 июнь, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 119 (12.680)

Баҳоси эркин нарҳда

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ислом Каримовнинг
таклифига биноан Корея
Республикаси Президенти
Пак Кин Хэ 16 июнь куни
илк давлат ташрифи билан
мамлакатимизга келди.**

Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кутиб олди.

Қисқа суҳбатдан сўнг Корея Республикаси делегацияси Кўксарой қароргоҳига йўл олди.

Олий даражадаги учрашув ва музокара-лар чоғида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ҳамда уни янада кенгайтиришнинг узоқ истиқболга мўлжалланган устувор йўналишлари, томонларни қизиқтирган минтакавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг Ўзбекистонга давлат ташрифининг асосий тадбирлари 17 июнга мўлжалланган.

Ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси раҳбарлари томонидан Стратегик шериклики янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларация қабул қилиниши, турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлики янада ривожлантириш учун мустақам асос бўладиган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

(ЎЗА)

Германияда Ўзбекистоннинг тарихий-маданий бойлиги ҳамда ноёб сайёҳлик салоҳиятига бўлган қизиқиш тобора кучайиб бораётгани кузатилмоқда. Бунда, шубҳасиз, немис оммавий ахборот воситаларининг хизмати катта.

«ИПАК ЙЎЛИ СЕҲРИ»

Чунки улар ранг-баранг материаллари билан мунтазам равишда Ўзбекистон мавзусини ёритиш асосида икки мамлакат ўртасидаги маданий алмашувлар қўламлигининг кенгайишига кўмаклашмоқда.

Яқинда Германияда нашр этиладиган «Berliner Morgenpost» ва «Hamburger Abendblatt» газеталарида «Ипак йўли сеҳри» сарлавҳали мақола эълон қилинди. У Ўзбекистоннинг бой маданияти ва сайёҳлик имкониятларига бағишланган.

Муаллиф **Эккхарт Айхлер** Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент сингари кўна шаҳарлар бағрида жойлашган ноёб меъморий ёдгорликлар ҳақида қалам тебратар экан, бу шаҳарларни «Ипак йўлининг асл дурдоналари», деб таърифлайди.

«Самарқанддаги дунёга машҳур Регистон майдони — Марказий Осиёдаги энг гўзал қадамжолардан бири ҳамда умумжаҳон маданий меросининг бир бўлагидир. Регистондаги уч мадрасадан иборат мажмуа шаҳарсоҳликдаги ноёб намуна ҳисобланади», деб ёзади у.

Э. Айхлер Хива шаҳридаги кўп сонли тарихий ёдгорликлар ҳақида хикоя қилар экан, газетхонлар

эътиборини алгебра фанининг асосчиси — буюк олим Мухаммад ал-Хоразмий қолдирган бой меросга қаратади. «VIII асрнинг охири ва IX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган буюк математик, астроном ва географ Мухаммад ал-Хоразмийнинг асарлари жуда муҳимлиги баробарида, улар бугунги кун учун ҳам долзарбдир, — деб ёзади у. — Масалан, олим ўзининг «Хинд ҳисоби ҳақида китоб» асарида ҳинд рақамлари асосида ўлик позиция системасида сонларнинг ёзилишини батафсил баён қилади. У сонларнинг бундай ёзилишидаги қўлайликлар, айниқса, ноль ишлатилишининг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. Дарҳақиқат, Мухаммад ал-Хоразмий ўз даврининг даҳиси эди».

Мақола муаллифи, шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистонда сайёҳликни ривожлантириш, тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ва замонавий меҳмонхоналар қурилишига катта маблағ сарфланаётгани, сайёҳлик жабҳасида хизмат кўрсатишни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳақида ҳам атрафлича тўхталган.

(Давоми 2-бетда)

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда



Шаҳримиздаги Ёшлар ижод саройида «Маҳалланинг энг ораста қизлари» кўрик-танловининг пойтахт босқичи ўтказилди.

МАҲАЛЛАНИНГ ЭНГ ОРАСТА ҚИЗЛАРИ БАҲС ЮРИТДИ

Кўрик-танлов Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими, «Қамолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши ва бошқа қатор давлат ҳамда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мазкур лойиҳа «Соғлом бола йили» Давлат дастурида кўзда тутилган бўлиб, «Маҳалланинг энг ораста қизлари» кўрик-танловини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад маҳаллада истиқомат қилаётган қизларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, ватанпарварлик руҳида, юксак одоб-ахлоқ тамойиллари асосида тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбини ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, ёшларнинг бугунги эзгу ислохотларга, долзарб муаммоларга қаратилган фаол муносабатини шакллантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан иборатдир.

— Мамлакатимизда ёшлар, айниқса қизларнинг ҳар томонлама етуқ, янги

хаёт бўсағасига тайёр бўлиб вояга етишлари йўлида қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви бош мутахассиси Омила Арипова. — Мазкур кўрик-танлов ҳар бир оилادا ўсиб келаётган қизларнинг келажақда ўз ўрнига, касб-корга эга бўлиши, нафақат қизларимиз, балки барча ёшларимизнинг келажақда жамиятимиз ривожланишига ўз ҳиссасини қўшадиган қомил инсон бўлиб етишишига хизмат қилади. Кўрик-танлов уч босқичда ўтказилмоқда. Биринчи босқич пойтахтимизда мавжуд 475 та маҳаллада ўтказилиб, унда 15 мингдан зиёд қизлар иштирок этишди. Иккинчи босқичда 11 та тумандан ташриф буюрган жамоалар ўзаро беллашди. Мазкур тадбир қизларнинг ёшлигиданоқ озодалликка интилишлари, улар онгига ўз хонадони ва маҳалласини

ораста, покиза туттишга қаратилган аъёналарни янада чуқурроқ сингдириш борасида муҳим ўрин тутиб, уларнинг кўникмаларини оширади.

Кўрик-танлов маҳаллаларда истиқомат қиладиган умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчи-қизларидан иборат жамоалар ўртасида ташкил этилди. Пойтахтимизнинг 11 та туманидан ўн битта жамоа иштирок этиб, ўз билимлари, тенгдошларига ўқиб ва ишларида ҳар томонлама намуна бўлган қизлар ўз маҳаллалари шаънини ҳимоя қилишди. Танлов шартларига кўра, улар белгиланган мавзударга ёритиб беришлари лозим бўлиб, муомала маданияти, жамоа номи, шиори ва шу билан бирга тегишлича билим ва кўникмаларни талаб этувчи бир қатор синовлардан ўтишди.

(Давоми 2-бетда)

ТАДБИРКОРЛИК — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Қўлай инвестиция ва ишбилармонлик муҳити натижасида ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъекти иш бошлади. Ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингга ташкил этди. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айни шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда.

Соҳанинг ҳар томонлама ривожланиётгани тадбиркорларнинг ушбу секторда фаолият юритишга бўлган қизиқишини ҳам тобора оширмоқда. Шу йўналишда жорий йилнинг биринчи чорағида янгидан ташкил этилган субъектлар сони 7,8 фоизга ошгани шунини тасдиқлайди.

Президенти Ислам Каримовнинг 2014 йил 7 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда бюрократик тартиб-таомилларни қисқартириш, рухсат бериш тартиботларини электрон шаклга ўтказишни жаддаллаштириш чоралари кўрилатгани ишбилармонлик муҳити янада яхшиланишига йўл очмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан «Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш» мавзусида ташкил этилган анжуманда шулар ҳақида сўз борди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, тижорат банклари, тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этган тадбирда ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, соҳа вакиллари учун яратилган имтиёз ва имкониятлардан фойда-

ланиш юзасидан батафсил маълумот берилди.

Тадбирда иқтисодиётнинг муҳим таянчи, миллий тараққиёт йўлида фаол ҳаракатлан-тирувчи кучга айланган тадбиркорлиқни ривожлантириш йўлида изчил ислохотлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Соҳа вакилларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг кучли тизими яратилди.

Тадбиркорлик билан шуғулланишга ёшларни кенг жалб этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётди. Бу борада касб-хунар коллежларида турли касб сирларини пухта эгаллаётган ёшларга зарур шарт-шароит яратилган. Жумладан, Тошкент тижорат ва тадбиркорлик коллежини бу йил тадбиркорлик сир-асорларини эгаллаган кўлаб ёшлар битириб, катта ҳаётга қадам қўяди. Улар гарчи коллеждан иқтисодиётнинг турли тармоқларига ишга йўллansa-да, мустақил равишда тадбиркорлик қилишлари учун ҳам мутасадди идоралар томонидан амалий кўмак бериш тизими йўлга қўйилган.

Тадбирда ёшларга бизнес-режа тузиш, уларни сармога билан таъминлаш, солиқ, статистика, божхона ва бошқа хизматлар томонидан амалий кўмак бериш механизмлари ҳақида тушунча берилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Жиззах вилоятида Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

• Сурхондарёда «Юрт келажаги» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Кўрик-танловнинг саралаш босқичларида 3 минг 900 нафардан зиёд ёшлар архитектура ва дизайн, ахборот-коммуникация технологиялари, рационализаторлик таклифлари, техник лойиҳа ва ишланмалар, аъёнавий ва амалий санъат, адабиёт каби йўналишлар бўйича ўз билим ва маҳоратини намойиш этди.

• Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан маданият ва аҳоли дам олиш марказлари фаолиятини ташкил этиш истиқболлари мавзусида республика амалий семинари бўлиб ўтди.

• Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тиббиёт касб-хунар коллежида одам савдосига қарши курашишга бағишланган учрашув ташкил этилди.

• Самарқанд вилояти галлакорлари жорий йилда 108,7 минг гектар майдонда мўл ҳосил етиштирди. Ушбу ҳосилни нобудгарчиликларсиз йиғиштириб олишга киришилди.

• Қорақалпоғистон Республикасида бугунги кунда 100 га яқин хўжалик балиқчилик билан шуғулланаётди. Ўтган йиллар давомида соҳани ривожлантиришга қаратилган 46 лойиҳа доирасида 61 минг гектардан зиёд табиий ва сунъий сув ҳавзалари фермер хўжаликларида шартнома асосида узоқ муддатга ижарага берилди.

ЖАҲОНДА

• «Ford Motor» автомобиль корпорацияси ва кетчуп ишлаб чиқариш бўйича дунёга машҳур «Heinz» компанияси ўзаро ҳамкорлик қилишга келишиб олди. Автокорпорация кетчуп тайёрлаш жараёнида юзага келаётган помидорнинг қуруқ қолдиқларидан машиналар учун пластик деталлар ишлаб чиқармоқчи. Агар мазкур лойиҳа амалга ошса, нефть маҳсулотларидан фойдаланиш қисқаради.

• Жанубий Американинг марказий худудларида кучли ёғингарчилик кузатилди. Ноқулай об-ҳаво шароити туфайли Бразилия ҳамда Аргентина давлатларини ажратиб турадиган Парана дарёси ўзанидан тошиб чиққан. ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон ноёб мерослари рўйхатига киритилган Игуасу шаршарасига ҳам одатдагидан миллион кубометр кўп сув келиб қўшилган.

• Германиянинг «Lufthansa» миллий авиакомпанияси жорий ҳамда келгуси йилда олиниши кутилаётган даромадларига оид прогноз кўрсаткичларини пасайтирди. Бунга йўловчи ва юк ташиш ҳажми тобора камайиб кетаётгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда. 2014 йилда немис компанияси 1 миллиард евро микдорида маблағ ишлаб топишдан умидвор. Мазкур рақам аввал тахмин қилинганидан бир ярим бараварга кам.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** шаҳримизда «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси томонидан соҳада за-

монавий қурилиш, пардозлаш материаллари бозорини кенгайтириш бўйича олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Яқасарой туманидаги

144-умумтаълим мактабида «Футбол-миз келажаги» республика кубоги мусобақаларининг туман босқичи ташкил этилди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Мамлакатни

ислох этиш ва модернизация қилиш жараёнида раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалалари: муаммо, ечим ва янги тажрибалар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилади.

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Бизнинг туманда 58 та маҳалла мавжуд бўлиб, икки йилдан бери «Ораста қизлар давраси» фаолият юритиб келади, — дейди Юнусобод туманидаги «Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Гулчеҳра Каримова. — «Ораста қизлар давраси»ни ташкил этишдан мақсад келажакда бўлган қизлар ўртасида биринчи навбатда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни оилага, ҳаётга тайёрлаш, ҳозирги кунда кам бўлсада учраб турадиган эрта никоҳнинг олдини олиш ҳамда уларга ўзбекона, шарқона қадриятларимизни сингдиришдир. «Маҳалланинг энг ораста қизлари» кўрик-танловининг биринчи босқичи туманимиздаги «Бободехқон» маҳалласида ўтказилди. Зукко, ораста қизларимиздан иборат «Ўзгаллик меъморлари» жамоаси шаҳар босқичида туманимиз шарафини ҳимоя қилишди. Ҳозирги кунда маҳаллаларимизда ташкил этилган жамоатчилик кенгашларида кўп йиллик ҳаётий тажрибага эга бўлган кекса, нуруний отахону онахонларимиз, турли хил касбларда фаолият олиб борган фахрийларимиз ёшларга ҳаёт сабоқларини беришмоқда. «Ораста қизлар давраси»нинг ҳам олиб бораётган фаолиятлари ижобий натижалар бермоқда. Қизларимизни оилага, ҳаётга тайёрлашга, салбий ҳолатларнинг олдини олишда ҳиссамиз қўшилаётганидан биз маслаҳатчилар ҳам хурсандмиз.

— Учтепа туманидаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейларда таълим олаётган қизлар ўртасида танловнинг туман босқичи ўтказилди, — дейди Тошкент Автомобиль йўллар институти қошидаги Учтепа академик лицейининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Азиза

Юсупова. — Шаҳар босқичига йўллангани кўлга киритган қизларимиз «Оммавий маданият» мафкуравий таҳдиди — миллат маънавияти кушандаси» деб номланган саҳна кўринишига тайёрланди. Мазкур мавзунинг тарғиб қилишдан кўзланган мақсад «оммавий маданият»нинг салбий оқибатларини ёшларга кенг тушунтиришдан иборатдир. Тайёргарлик жараёнида қизларимизнинг

мавжуд бўлиб, танловнинг туман босқичида берилган мавзу бўйича 7 дақиқалик чиқиш намойиш этди ва савол-жавоблар ўтказилди. Фаол қизлар шаҳар босқичига йўллангани кўлга киритди. Бизнинг жамоага берилган мавзу «Остонаси гулзор хонадон — фариштали хонадон» деб номланди. Биз ораста қизлар маҳаллаларимиздаги ўз тенгдошларимизга «Тенгдош-тенгдошга»

тамоийли остида семинар-тренинглар ўтказиб келмоқдамиз. Ёшлар ўртасида эрта туғруқ, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ каби турли муаммоларнинг олдини олишни семинар-тренинг шаклида тарғиб қилмоқдамиз.

«Маҳалланинг энг ораста қизлари» кўрик-танловида 1-ўринни эгаллаган Шайхонтохур туманининг «Ибратли ёшлари» жамоасининг қувончи чексиз.

— Ғолибликни кўлга киритганимиздан жуда хурсандмиз, — дейди Шайхонтохур туманидаги 13-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси, Самарқанд дарвоза маҳалласида истиқомат қилувчи Зилола Анварова. — Биз маҳаллаларда одам савдоси, эрта турмушнинг салбий оқибатлари, гиёҳвандлик, экологиянинг бузилиши ва бошқа кўплаб оғрикли ҳолатлар бўйича «Тенгдош-тенгдошга» тамойили остида давра суҳбатлари, семинарлар ўтказиб келамиз. Олиб бораётган ишларимизда бизга йўл-йўриқ кўрсатиб келаётган устозларимиз, маҳалла фаоллари катта миннатдорчилик билдирамиз. Биз эришган ютуқларимизда албатта уларнинг ҳиссалари катта.

Танлов натижаларига кўра 1,2,3-ўрин эгалари ҳамда саккизта йўналишда ғолиб бўлган қизларга дипломлар, қимматбаҳо совғалар топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов олган суратлар

МАҲАЛЛАНИНГ ЭНГ ОРАСТА ҚИЗЛАРИ БАҲС ЮРИТДИ



«оммавий маданият» бўйича кўплаб маълумотларга эгаликлари намоён бўлди. Бундай тадбирлар ёшларни китоб ўқишга, изланишга ундайди деб ўйлайман.

Танлов натижаларига кўра Шайхонтохур туманининг «Ибратли ёшлари» жамоаси 1-ўринни эгаллади. 2-ўрин Сергели туманининг «Гулчеҳралар», 3-ўрин эса Олмазор туманининг «Ифтихор» жамоаларига насиб этди. Саҳнада ўз ҳаё-иболари, маҳоратларини намоёиш этган ғолиб қизларимизни суҳбатга чорладик.

— Сергели туманидаги Бобур номли маҳаллада истиқомат қиламан, — дейди тумандаги 317-умумтаълим мактаби битирувчиси, Сергели туманининг «Гулчеҳралар» жамоаси аъзоси Фарангиз Ширматова. — Туманимизда 33 та маҳалла

ДОИМИЙ МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА

Пойтахтимизда «Имконияти чекланган инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳузуридаги имконияти чекланган инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган нодавлат нотижорат ташкилотлари сай-ҳаракатларини бирлаштириш бўйича маслаҳат кенгаши томонидан ташкил этилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси кенгаши раиси А.Каримов давра суҳбати ногиронлар муаммолари билан шуғулланадиган нодавлат нотижорат ташкилотларининг долзарб масалаларини муҳокама қилиш, имконияти чекланган инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини ўрганиш, шунингдек, миллий қонунчиликни БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига мувофиқлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш борасида ўзига хос майдонга айланиши таъкидлади.

Янги таҳрирда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун мамлакатимизда имконияти чекланган инсонларга нисбатан давлат сиёсатининг асосларини белгилаб берадиган муҳим ҳужжат экани қайд этилди. Ўшбу қонунда ногиронларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаёти ва фаолиятидаги чекловларни бартараф этиш, тўлақонли ҳаёт кечириши ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун қулай шароитлар яратишга тааллуқли барча масалалар ўз аксини топган.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 майдаги тегишли қарори билан тасдиқланган 2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенси-

онер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. Мазкур ҳужжат ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш, уларни ижтимоий таъминлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган.

Тадбир қатнашчилари бу борада институционал даражада ҳам тегишли ишлар амалга ошириляётганини қайд этди. Масалан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузурида Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ҳамда ногиронлар учун ҳудудий реабилитация марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари муҳим ўрин тутмоқда. Мамлакатимизда Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Ўзбекистон ногиронлар жамияти каби имконияти чекланган инсонларни кўллаб-қувватлайдиган етмишдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Давра суҳбатида Ўзбекистон томонидан 2009 йилнинг февраль ойида имзоланган БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация ва имплементация қилишга тайёрлаш бўйича миллий ҳаракат режаси лойиҳасининг тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири

«ИПАК ЙЎЛИ СЕҲРИ»

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Хива, Бухоро ва Самарқанддаги кўлаб меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ишлари мустақилликка бошланган эди. 1991 йили Ўзбекистон ўз суверенитетини эълон қилганидан сўнг мамлакатдаги энг моҳир таъмирчилар бу йўналишдаги фаолиятларини давом эттирдилар, таъмирлаш ишлари жараёни эса янгича руҳ, янгича қамров ва суръат касб этди. Давлат томонидан олиб борилган қайта тиклаш ишларининг натижаси ўларок, кўҳна масжид, минора ва саройлар қиёфаси асл ҳолига қайтарилди. Эртақмонанд гўзалликка эга бўлган ушбу шаҳарларда жойлашган диққатга сазовор масканларнинг барчаси сайёҳлар диққат-эътибори учун ҳар жиҳатдан муносибдир», деб таъкидлайди муаллим.

Мақолада қайд этилишича, ноёб меъморий ёдгорликларнинг гўзаллиги ва маҳобатидан ташқари, маҳаллий аҳоли вакиллари билан режалаштирилмаган, тасодифий учрашувлар ҳам сайёҳларнинг ёдидан асло чиқмайди. Ўзбек халқи вакиллари билан мулоқот асосида уларнинг бой маданияти, урф-одатлари ва кундалик турмуш тарзи, шу жумладан, миллий тўй, анъаналар ва маросимлари ҳақида билиб олиш мумкин.

Мақола сўнггида муаллим газетхонларни Германияда фаолият кўрсатадиган етакчи туроператорлардан бири — «Lernidee Erlebnisreisen» компаниясининг немис сайёҳларига таклиф этаётган Ўзбекистон бўйлаб икки ҳафталик саяёҳатга оид маълумотлар билан ҳам танишишга даъват этади.

«Жаҳон» АА
Берлин

Партиялар фаолиятдан

ТАШАББУСКОРЛИК — ЕТАКЧИЛИК МЕЗОНИ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия қўмитаси томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Доналик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси ходимлари, партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши фаоллари, «Аёллар қаноти» етакчилари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, хунармандлар, санъаткорлар, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Кўрик-танлов ЎзМТДП Дастури ва сайловолди платформасида назарда тутилган мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда юксак билим ва малакага эга бўлган оқила хотин-қизларнинг қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти тармоқларидаги фаолияти, ҳуқуқий ва сиёсий ташаббусларини рағбатлантириш, шунингдек, аҳоли ва партия аъзоларининг мамлакатимиздаги сайлов тизими ва қонунчилиги борасидаги билимларини, сиёсий онги ва маданиятини янада ошириш мақсадида ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши «Аёллар қаноти» томонидан 2009 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Доналик ва ташаббускорлик» — сиёсий етакчилик мезони» кўрик-танлови хотин-қизлар орасидан қанчадан-қанча истеъоддор, сиёсий етакчиларни аниқлашга хизмат қилмоқда.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Васила Файзиева мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини ошириш масаласига катта эътибор берилаётгани, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш мақсадида кўплаб қарорлар қабул қилинаётгани ва бу борада Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан ҳам бир қатор ишлар — маънавий-маърифий тадбирлар, илмий-амалий конференциялар ташкил этилаётгани ҳам ана шу эзгу ишлар йўлидаги муҳим сай-ҳаракат эканлигини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, барча қуйи саралаш босқичларидан Тошкент шаҳар босқичига етиб келган 12 нафар хотин-қизларнинг учта шарт бўйича қизгин бахс ва муросасиз курашлари остида кенга қўрик-танлов бошдан охиригача уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллигини оширишга хизмат қилди, дейиш мумкин.

Тадбир давомида иштирокчиларнинг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Тадбирда биринчи ўрин Нодира Кушаковага насиб этди ва у танловнинг Республика босқичига йўлланма олди. Шунингдек, иккинчи ўринга Мухлиса Ишмуратова, учинчи ўринга эса Дурдона Ўроқовалар муносиб деб топилди.

Кўрик-танловда хотин-қизлар орасидан «Энг ташаббускор иштирокчи», «Энг билимдон иштирокчи», «Энг зукко иштирокчи», «Энг ёш, фаол иштирокчи» каби бир қатор номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Тадбир сўнггида ҳакамлар томонидан муносиб баҳоланган ғолиблар ҳамда барча иштирокчилар қимматбаҳо совғалар, фахрий ёрлик ва дипломлар билан тақдирланди.

Гулноза МУСТАФАЕВА,
ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот
котиби

Маълумки, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотлари Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, ёшлар ва фуқароларни меҳнатта ва Ватанини ҳимоя қилишга тайёрлаш, ташкилот тизимида ёшлар ва фуқаролар ўртасида Ватанни асраш ҳақидаги ғояларни тарғиб этиш ва уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби вазифаларни бажаришда давлат ташкилотларига кўмаклашади.

«Ватанпарвар»

МАҚСАДИМИЗ — ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ

Шу ўринда Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Учтепа ЎСТК унитар корхонаси фаолияти хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга болаларни жалб қилиш мақсадида корхонада ўқ отиш, ёзги биатлон, автомобиль каби тўғарақларда машғулотлар олиб борилмоқда.

— Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Учтепа ЎСТК унитар корхонаси «Соғлом бола йил» Давлат дастурини амалга оширишда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва спортнинг техник ва амалий турларига болаларни жалб қилиш мақсадида фаолият юритаётганини таъкидлаш жоиз, — дейди мазкур корхона бошлиғи Авазбек Рашидов. — Туманимиздаги кўплаб вояга етмаган ёшлар спортнинг техник ва амалий турларига жалб қилинган. Бу йил тумандаги 199-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб билан шартнома тузилиб, 22 нафардан ортиқ ўқувчи автомобиль тўғарагига жалб қилинди. Ўз ўрнида клуб мусобақалари ташкил этилмоқда.

Ўқ отиш тўғараги қатнашчиси О.Абдувалиев клуб биринчилигида 1-ўрин, шаҳар биринчилигида 2-ўринни эгаллади, МК «Ватанпарвар» ташкилоти Учтепа ЎСТК унитар корхонаси жамоаси шаҳарда 3-ўринга лойик топил-

ди. Ёзги биатлон бўйича тўғарақ спортчилари Наманган шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон Кубогига қатнашишди.

Ўртимизда нишонланадиган ҳар бир байрамни муносиб кутиб олиш мақсадида ташкилотда турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилишига катта эътибор қаратилади. «Қамолот» ЁИХ туман Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг туман бўлини маси ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда Ватан ҳимоячилари куну — муносабати билан 129-умумтаълим мактабида «Шунқорлар», Республика дизайн коллежида «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч», Солиқ академияси ва 199-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактабда «Балли — йигитлар» каби ҳарбий-спорт тадбирлари уюштирилиб, ўсмирлар ўртасида Ватанни ҳимоя қилиш ғояси тарғиб қилинди. Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди. Ёшлар онгида Ватанга садоқат, халқпарварлик, мардлик ва жасурлик каби хислатларни шакллантириш мақсадида пойтахтимиздаги музейларга 20 га яқин мактаблар ўқувчиларининг саёҳати ташкил этилди.

«Соғлом бола йили»да ташкилот томонидан маънавий, ҳарбий ватанпарварлик тарғиботи, ташкилий оммавий йўналиш, халқ ҳўжалигига мутахассислар тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турлари йўналишлари, кадрларнинг малакасини ошириш бўйича фаолият олиб борилмоқда.

Зарина РУСТАМОВА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида аҳолини юқумли касалликлардан ҳимоялаш, мамлакатимизда эпидемиологик барқарорлиқни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, бу соҳага йўналтирилаётган давлат бюджети маблағларидан оқилона фойдаланиш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

2014 йил — Соғлом бола йили

ЭПИДЕМИОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК — САЛОМАТЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, ОИТСга қарши кураш маркази олимлари, шифокорлар, санитария-эпидемиология назорати марказларининг тарғибот ишлари бўйича масъул ходимлари ва журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Республика Бош давлат санитария врачлари С.Саидалиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида тиббий-ихтисослаштирилган амалга оширилаётган изчил ишлар ҳақида санитария-эпидемиология хизматини таъминлаштириш, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишга қарши курашнинг самарали тизimini яратилгани инсон саломатлигини асраш ва эпидемиологик барқарорлиқни таъминлашнинг муҳим омили бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда бу йўналишда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида замонавий санитария-эпидемиология назорати хизмати асос солинди. Бугунги кунда бу йўналишда Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, унинг вилоят, туман, шаҳар тўғрисидаги ва жойлардаги санитария назорати пунктлари самарали фаолият юритмоқда.

Мазкур соҳага ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт марказларида жашон тиббиёти олдига турган долзарб муаммоларнинг ечимини топиш, юқумли касалликларга қарши кураш ва даволаш ишлари самарадорлигини янада оширишнинг устувор йўналишлари бўлиб

илмий-амалий лойиҳалар ҳаётига изчил татбиқ этилаётди.

Юқумли касалликларга қарши курашда санитария-гигиена тадбирларини юқори савияда ташкил этиш баробарида эмлаш ишлари ҳам тизимли асосда ташкил этилаётди. Мамлакатимизда қабул қилинган миллий эмлаш тақвими асосан, ўн саккиз ёшгача бўлган болалар ўрта юқумли касалликка қарши иммунизацияга жалб этилмоқда. «Соғлом бола йили» Давлат дастурига мувофиқ, бу борадаги чора-тадбирлар қўламини янада кенгаймоқда. Миллий эмлаш тақвимида янги вакциналар татбиқ этиш юзасидан иш олиб борилаётди.

Миллий эмлаш дастурларида белгиланган вазифалар ўз вақтида ҳаётга татбиқ этилиши натижасида илгарилари болалар саломатлигига жиддий таҳдид туғдирган кўплаб касалликлар, жумладан, бўғма, кўк йўтал, қизамик, қизилча, тепки, гепатит «В» каби хасталикларнинг олдини олишга эришилмоқда. Белгиланган қатламни тўлиқ қамраб олган ҳолда, узлуksиз равишда ташкил этилаётган вакцинация тадбирлари самарасида мамлакатимиз Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг «Полимиелитдан холи ҳудуд» сертификатида сазовор бўлган.

Матбуот анжуманида мамлакатимизда санитария-эпидемиология хизмати барқарор сақлаш, эмлаш орқали аҳоли, хусусан, болаларни юқумли касалликлардан ҳимоялаш, бу соҳага ажратилаётган бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш масалаларига оид маърузалар тингланди. Журналистларнинг саволларига мутахассислар жавоб қайтарди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири



Шаҳримизнинг қўли гул
ёш хунармандлари

Асқар Ёқубов (ЎЗА) олган сурат

Тадбирлар

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

Олмазор тиббиёт коллежиди «Бугунги дунё диний манзарасининг салбий жиҳатлари ва унинг жамият барқарорлигига таҳдиди» мавзусида ўтказилган давра суҳбатиди ҳам ана шунга уруғ берилди.

Коллежда миллий маънавиятимизни юксалтириш, халқимиз турмуш тарзи ва менталитетимизга ёт бўлган зарарли ҳолатларнинг олдини олиш бўйича кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Бундан ташқари, таълим муассасасида ихтисосий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастлик ва миссионерликнинг олдини олишга қаратилган мазкур давра суҳбатиди ёш авлодни турли сиёсий ва диний оқимларнинг салбий таъсирига тушиб қолишдан асраш, маънавий ва моддий ҳаётни соғломлаштириш йўлида олиб борилаётган изчил, ҳар томонлама пухта ўйланган тадбирлар хусусида қатнашчиларга батафсил маълумот берилди.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшма чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарориди белгиланган вазифалар ижросини

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, турли соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқлар, жамиятнинг муҳим бўлини ҳисобланган ёш авлод тарбияси йўлида қилинаётган ишлар, юзага келаётган айрим муаммоларнинг ечимини, бунёдкорлик ишлари баробарида огоҳлик ва ҳушёрликни янада ошириш муҳимдир.

таъминлаш мақсадида ўқув муассасасининг маънавият ва маърифат ишлари янада жонланганди, маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишларни таъминлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва амалга ошириб келинмоқда, — дейди коллежнинг маънавият-маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари вазиасини бажарувчи Мунира Мақсумова. — Мазкур давра суҳбатини ўтказишдан асосий мақсад — ўз фикри, дунёқараши, мустахкам эътиқодида эга, ҳам жисмонан, ҳам ақлан баркамол бўлган, турли сиёсий бўҳронлар ва иллатларга қарши кураша оладиган авлодни тарбиялашдир.

Тадбирда Тошкент Ислам университетининг Исламшунослик илмий-тадқиқот маркази катта илмий ходими Ди-

лафрўз Турдиева сўзга чиқиб, ҳозирги кундаги умумбашарий муаммолардан ҳисобланмиш диний экстремизм, терроризмнинг таҳдиди ҳақида ўқувчиларга айтиб ўтди.

Ёшларимизнинг бўш вақтини унумли ўтказиш, касб-ҳунар, фойдалли меҳнатга ўргатиш, турли тўғрақларга, спорт билан шуғулланишга жалб этишнинг жуда муҳимлиги таъкидланди.

Давра суҳбатидан сўнг «Жаҳолат ботқоғи» деб номланган ҳужжатли фильм намойиш этилди. Фильм премьерасидан сўнг ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларига маърузачи томонидан ҳаётини мисоллар орқали жавоблар олишди.

Замира РАҲМОНОВА

БИОЛОГИК ТАЪЛИМ — ТАБИАТНИ АСРАШДА БОШ ОМИЛ

Биология фани эришган ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилинган сари, одамлар учун биологик таълим профессионал тайёрларлик элементини бўлиб қолмоқда. Биологик таълим кўп жиҳатдан ёш авлодни эстетик тарбиялашга ёрдам беради. Шундан кўриниб турибдики, биология таълими политехника характери-га эга бўлмоғи ва у ёш авлоднинг ихтисосий фойдали ҳамда унумли меҳнатдаги иштироки билан боғлиқлиги лозим.

Биологияни ўрганишда эстетик тарбияга барча ўқув-тарбия жараёнининг узвий қисми сифатида қаралади. Биологик таълим инсоннинг қалби ва ақлига ижобий таъсир қилиш учун ҳамма имкониятларга эгадир. Табиатни идрок қилиш у билан яқиндан танишадиган кишига катта ҳузур бахш этади. Табиат воситалари билан эстетик тарбия бериш ёш авлоднинг умумий эстетик тарбиясига кўмаклашади.

Табиатни асраш катта ва мураккаб тўғрисида. У юксак қалб ва ақл доираларини қамраб олади ва одамнинг онгли маънавий ҳаётининг асосий томонини ташкил этади. Бу тўғрисида кўп жиҳатдан ватанпарварлик ҳис-туйғуларига мурожаат қилинади. Жонажон табиатга бўлган муҳаббат билан бирга ёш авлодда хур ўлкага, она Ватанга қўйилган меҳр ўсади. У бевосита болалиқда, мактаб

Биологик таълимнинг роли инсоният ҳаётида катта аҳамиятга эга. Зеро, биология фанининг ютуқлари ишончли тарзда инсоният янги асрга — биология асрига кириб борганлигидан далолат бермоқда. Биология фанининг ютуқлари кўп жиҳатдан табиий фанлар — физика, кимё, математика, астрономия соҳасида эришилган ютуқлардан фойдаланиш натижасида юз бермоқда. Бу фанларнинг ютуқлари ва методлари электрон микроскопия, рентгеноструктура таҳлили, ҳужайрани молекуллар даражада ўрганиш имконини беради.

йўлларида туғилади. Улғайиш ва етуқлик табиатга нисбатан таъсирчан муҳаббатни тарбиялайди, табиатнинг чиройини идрок этишдан ташқари уни муҳофаза қилиш, асраш, табиат бойликларини ўз қўллари билан яратиш ва қўлайтиришга ўргатади. Буларнинг барчасига биологик қонунларни чуқур ва онгли равишда ўзлаштиришдангина эришиш мумкин.

Ҳозирги замон кишисининг ҳаётини жонли табиат тўғрисидаги илмий билимларсиз тасаввур этиб бўлмайди, чунки унинг ҳаёти ўсимликлар ва ҳайвонот олами билан буткул боғланган, лекин ўсимликлар ўз навбатида Ерда органик хом ашё ва энергия олиш

манбаи, ҳайвонот дунёси эса турли хил озиқ-овқат ва саноат хом ашёсининг манбаи бўлиб хизмат қилади.

Табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва уларни қўлайтириш халқ ва давлат фаровонлигини юқори-га кўтариш учун хизмат қилади. Тўғри йўлга қўйилган биологик таълим илмий дунёқараши таъминлашга имкон беради. Бутун дунёда табиатни муҳофаза қилиш, унинг ресурсларини қайта тиклаш ва улардан унумли фойдаланиш инсоният олдида турган муҳим вазифалардан бўлиб келмоқда.

Гулчеҳра ТОҒАЕВА,
Тошкент иқтисодий коллежи ўқитувчиси

Одам савдоси — инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, осойишта турмуши ҳамда келажига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноят бўлиб, ўзининг чегара танламаслиги ҳамда гирдобига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётганлиги билан барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.

Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Бироқ, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар бу ҳуқуқнинг қўпол тарзда бузилишига олиб келмоқда.

Сўнгги йилларда одам савдоси жинояти туфайли юзага келаётган глобал хавф қанчалик ортиб бораётган бўлса, дунёнинг қатор мамлакатларида бу иллатга қарши курашишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда ҳам одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Аввало, одам савдоси жиноятларига барҳам бериш учун етарли ҳуқуқий-норматив база шакллантирилди.

Хусусан, 2008 йилнинг 17 апрелида «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қону-нининг қабул қилиниши билан мамлакатимизда бу глобал муаммага қарши курашиш ҳамда ундан жабрланганларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Президентимиз томонидан 2008 йил-нинг 8 июлида қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш самарадор-

лигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор билан эса юқоридаги қонун нормалари амалга тўлиқ татбиқ этилди.

ОДАМ САВДОСИ — МУДҲИШ ЖИНОЯТ

Ҳар бир инсон яхши орзу-умидлар билан яшайди. Ҳалол меҳнат қилиб оилани боқиб, шу йўл билан жамиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга интилади.

Аммо меҳнат қилишдан қочиб, турли ноқонуний йўللар билан пул топиш, мол-дунё ортиштиришга ружۇ қўйган кимсалар ҳам йўқ эмас. Улар ўз мақсадларига эришиш учун ҳар қандай қабиҳ ва разил йўлдан қайтмайдилар. Бугунги кунда ҳаммани ташвишга солаётган одам савдоси билан шуғулланаётган кимсаларни ана шундай тоифадаги шахслар қаторига қўшиш мумкин.

Одам савдоси бугунги кунда дунёнинг барча минтақасидаги давлатларга таҳдид солмоқда. Турли маънавий таҳдидлар қаторида одам савдоси билан боғ-

лиқ масалалар бизнинг мамлакатимизда ҳам жиддий ташвиш уйғотди.

Шахснинг озодлиги, шаъни, қадр-қиммати ва эркин меҳнат танлашига қарши қаратилган бу жиноят бутун инсоният хавфсизлигига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан биридир. Ўз домига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётганлиги билан хавотирлидир. Халқаро экспертларнинг баҳолашича, дунё бўйича одам савдосидан тушадиган йиллик даромад жуда катта рақамни ташкил этади. Маълумотларга кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг инсон одам савдосининг жабрланувчисига айланмоқ-

да. 600-800 минг нафар аёллар ва болалар алдов йўли билан чет элларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда. Бундай жиноятлар, афсуски, республикаимизда ҳам мавжуд бўлиб, айрим фуқаролар турли алдов ва фирибгарликлар қурбонига айланиб қолипти.

Кузатишлар ва ҳулосалар шуни кўрсатмоқдаки, одам савдосидан азият чекаётган жабрланувчилар орасида аёллар ва воёга етмаган ёшлар борлиги бизни янада ҳушёрликка қўрайди.

Одам савдоси билан шуғулланувчи фирибгар ва тўдаларни ўргимчак турига қийслаш мумкин. Ўргимчак тўрига тушган ҳар қандай ҳашарот унинг ўлжасига айланади. Одам савдоси билан шуғулланувчи кимсаларнинг тўрига илиниб қолиш ҳам ана шундай аянкли оқибатлар билан тугайди. Шундай экан, одам савдосига қарши огоҳ ва ҳушёр бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиз. Замондошларимизни ҳушёрликка, огоҳликка даъват этсак, уларни одам савдоси билан шуғулланувчи фирибгарларнинг тўзоғига тушиб қолишдан асраган бўламиз. Бу — шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Одам савдосига қарши курашишда аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида ушбу иллатнинг хавфи ва оқибатлари ҳақида тушултиришлар олиб бориш, фуқароларни бу борадаги вазиятдан огоҳ этиш жirkanч жиноят содир этилишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Гулнора МУРАДОВА,
юридик фанлари номзоди

ҲАР ҚАРИЧ ЕР ҲИСОБДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси («Ергеодезкадастр») томонидан ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ер тузишини ва ерлар мониторингини ташкил қилиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва қайта тиклаш борасида ягона давлат сиёсатини юритиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда ер иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда асосий восита ва манба эканлиги, ундан оқилона ва самарали фойдаланиш юртимиз ободлиги ва дастурхонимиз тўқинлигининг асоси ҳисобланиши, шу боис давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва давлат кадастрларини яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

«Ергеодезкадастр» ва унинг худудий бошқармаларида Ер кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш, ердан фойдаланиш ва бу борада йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Шу мақсадда жорий йилнинг биринчи чорагида тўқсонга яқин хўжалик юритувчи субъектнинг қарийб 80 минг гектар ер майдони текширилди. Натижада 72 минг гектардан ортиқ майдонда қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди, уларга нисбатан «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс»нинг тегишли моддаларига асосан жазо чоралари қўлланилди.

Мутахассисларнинг айтишича, айрим фуқаролар ўз қўчмас мулкига бўлган ҳуқуқини тўла таъминлаш, яъни давлат кадастр рўйхатидан ўтказиш мажбуриятига эътиборсиз қарамоқда. Мисол учун, қирқ беш тумандан аҳоли томорқаларида йўқлама олиб борилганда, қарийб 106 минг хонадон томорқадан тегишли ҳужжатларни расмийлаштирмасдан фойдаланиб келаётганлиги аниқланди.

Қўмита ва унинг қўйи тизим ташкилотлари ерлардан самарали, оқилона ва белгиланган мақсадларда фойдаланишни ташкил қилиш, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг ер қончилигига риоя этилишини таъминлаш ҳамда ер қонунбузилишларининг олдини олиш учун тегишли идоралар билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида тушултириш ишларини олиб бормоқда. Шу мақсадда очик эшиклар кунлари ўтказилмоқда, ишонч телефонлари орқали саволларга белгиланган тартибда жавоблар берилмоқда.

Анжуманда бундай ишлардан кўзланган асосий мақсад фуқароларни қонунлар ва қўчмас мулк ҳужжатларини расмийлаштириш тартиб-қоидалари билан яқиндан таништириш, уй-жой олди-сотдиси билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш эканлиги қайд этилди. Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш тадбирларида соҳага ахборот-коммуникация ва геоахборот технологиялари, интерфаол давлат хизматлари босқичма-босқич татбиқ этилаётгани хусусида ҳам сўз юритилди. Журналистларнинг саволларига мутахассислар жавоб берди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ШАҲРИМИЗ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизмати» давлат унитар корхонаси томонидан 2013 йил 10 сентябрдан бошлаб онлайн-аризаларни қабул қилиш тизими амалга оширилди. Тўғри қўйилган бўлиб, унга кўра жисмоний ҳамда юридик шахслар қўчмас мулк билан боғлиқ нотариалар ҳақларини амалга ошириш учун пойтахтимиздаги кўп қаватли уйлардаги **квартиралар** ҳақида 18-шаклдаги маълумотномаларни олиш имкони яратилди.

Кадастр ҳужжатини расмийлаштириш ҳамда қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун аризалар **odnookno.uz** интернет саҳифасида жойлаштирилган аризаларни қабул қилиш онлайн-сервиси орқали амалга оширилади.

Белгиланган шаклдаги маълумотномани олиш учун онлайн-аризани юбориш қиёфа бўлиб, кўрсатилган хизмат учун тўловни «Ипотека банк»нинг барча бўлимларида амалга ошириш ҳамда тайёр бўлган маълумотномани белгиланган муддатда олиб кетиш мумкин. Аризанинг ижросини кўриб чиқиш ишларини унинг махсус рақами ёрдамида кузатиб бориш мумкин.



Отабек Мирсоатов (ЎЗА) олган суратлар

Яқинда Учтепа туманидаги 245-умумий ўрта таълим мактабида «Қалдирғоч» номли болалар оромгоҳи ташкил этилди. Ушбу оромгоҳда тумандаги 130 нафар ўғил-қиз ёзги таътилни мазмунли ва мароқли ўтказиб, беғубор ва бахтли болалик гаштини суришмоқда.

ЁЗГИ ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, мазкур ёзги оромгоҳда 4 мавсумда 475 нафар болани камраб олиш режалаштирилган. 245-умумтаълим мактаби директори Сурайё Раҳимованинг таъкидлашича, оромгоҳда болалар учун жами 13 та тўғрак ташкил этилган бўлиб, шундан саккизтаси спорт машғулотларини ўз ичига олади. Бундан ташқари, «Хореография», «Моҳир кўллар», «Бисер тўқиш» ҳамда инглиз ва рус тили сингари тўғрақлар ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Болажонлар ўз қизиқишлари асосида тўғрақларга бириктирилди. Ушбу тўғрақларда

болалар учун қизиқарли машғулотлар оромгоҳ раҳбари Наргиза Соипназарова бошчилигида бош тарбиячи Наргиза Ўтаганова, болалар етакчиси Гўзал Султонова ва бошқа педагог-ҳодимлар томонидан олиб боришмоқда. Бунда болажонларнинг ёзги таътилини қизгин, мароқли ва кўтаринки савияда ташкил этиш, янги ўқув йилини пухта тайёргарлик билан қарши олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўз навбатида, ота-оналар ҳам фарзандларининг оромгоҳда мириқиб дам олишгаётганликларидан жуда мамнун.

Дилмурод РАХИМОВ

САМОЛЁТ МОДЕЛЛАРИ МУСОБАҚАСИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий бондида юртимиздаги «Баркамол авлод» болалар марказларининг ўқувчи-ёшлари ўртасида авиамоделъ йўналиши бўйича «Катапульт» ёрдамида учувчи самолёт моделлари республика мусобақасининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли «Баркамол авлод» республика болалар техник ижодиёт маркази томонидан ташкил этилган ушбу мусобақа «Учар қанот» русумидаги катапульт ёрдамида учувчи самолёт моделлари, қозғалдирилган «Хажмли» самолёт моделлари ҳамда «Кўргазмали» самолёт нусхаси» йўналишлари бўйича ўтказилди. Биринчи йўналишда самолётнинг пенопластдан ясалганлиги ва унинг ўлчамлари, катапульт ёрдамида узоқ масофага учурилиши, кейинги йўналишда эса қозғалдирилган пухта ва пишмиқ тайёрланганлиги, рангларининг уйғунлиги, узоққа парвоз этишига алоҳида эътибор қаратилди.

Мусобақани ўтказишдан қўланган асосий мақсад ўқувчи-ёшларни ҳар томонлама соғлом, баркамол этиб, она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, техник йўналишдаги тўғрақларга жалб этиш, спортнинг техник турларини янада ривожлантириш, ёшларда жамоа бўлиб ҳаракат қилиш ва ғалабага интилиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборатдир, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, «Баркамол авлод» республика болалар техник ижодиёт маркази услубчиси Абдунаби Ҳожибоев. — Ушбу беллашувда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардаги «Баркамол авлод» болалар марказлари тўғрақларининг 39 нафар қатнашчилари иштирок этди. Бундан ташқари, мусобақа иштирокчилари учун Тошкент планетарийси ҳамда Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғига саёҳат уюштирилди. Болаларнинг ижодий ишларидан иборат кўргазма ташкил этилди.

Шунингдек, боғнинг байрамо-на безатилган саҳнасида мусобақа иштирокчилари учун «Бар-

камол авлод» республика болалар техник ижодиёт маркази қошидаги «Фольклор» рақс тўғраги аъзолари ҳамда «Ором» рақс дастасининг аjoyиб концерт дастурлари намойиш қилинди.

Қизгин ва муросасиз тарзда ўтган мусобақанинг якуний натижаларига кўра, «Учар қанот» русумидаги катапульт ёрдамида учувчи самолёт моделлари йўналиши бўйича 1-ўрин Бухоро вилояти, Ғиждувон туманидаги 57-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Равшан Нормуродовга насиб этди. Унинг самолёти 40 метр масофадан ҳам узоққа учди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Самарқанд шаҳридаги 35-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Азамат Шарипов ҳамда қашқадарёлик ўқувчи, Ғузор туманидаги 10-мактабнинг битирувчиси Байрамали Дўлановлар эгаллашди. Қозғалдирилган «Хажмли» самолёт моделлари йўналиши бўйича 1-ўринга Самарқанд шаҳридаги 6-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Мардонжон Рафеев лойиқ кўрилди. Жиззах туманидаги 4-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Жаҳонхон Раҳимов иккинчи, Бухоролик иштирокчи Бехруз Вафоев учинчи ўринга сазовор бўлдилар. «Кўргазмали» самолёт нусхаси» йўналиши бўйича самарқандлик Амет Абдурашидов ғолиб чиқди. Иккинчи ўринни Нукус шаҳридаги 2-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Дилноза Қарамадинова, учинчи ўринни эса Фарғона вилояти Кува туманидаги 49-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Шохрухбек Турсинбоевлар банд этишди.

Мусобақа ғолиблари Халқ таълими вазирлиги ва «Баркамол авлод» республика болалар техник ижодиёт маркази томонидан диплом, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
ЎЗДЖТУ талабаси

ЎЗБЕК ҲАКАМИ ЕТАКЧИЛИК ҚИЛМОҚДА

Бразилия яшил майдонларида давом этаётган футбол бўйича жаҳон чемпионати бетакрор учрашувлар, қутилмаган натижалар ва чиройли голлар билан миллионлаб мухлисларнинг диққат-эътиборини жалб этмоқда.



Сир эмас, юртимизда ҳам миллионлар ўйинининг ихлосмандлари кўп ва улар ҳам Бразилиядаги дундиални катта ҳаяжон, қизиқиш билан кузатиб бораётир.

Биз учун ушбу жаҳон чемпионатининг аҳамияти, қувонарли жиҳати — унда ўзбекистонлик ФИФА рефери Равшан Эрматов бошчилигидаги ҳакамлар гуруҳининг иштирок этаётганидир.

Жаҳон чемпионатининг «Е» гуруҳидан жой олган Швейцария ва Эквадор (2:1) терма жамоалари ўртасидаги баҳсда аъло даражада ҳакамлик қилган Равшан Эрматов worldreferee.com сайти томонидан эълон қилинган рейтингда биринчи ўринни эгаллади.

Жаҳондаги футбол ҳакамлари фаолиятини таҳлил қиладиган мазкур сайт айти пайтада Бразилиядаги жаҳон чемпионати учрашувларини бошқараётган ҳакамларни баҳолаб бормоқда. Ўтган тўққизта учрашув натижаларига кўра, Швейцария — Эквадор ўйинини бошқарган Равшан Эрматов энг юқори балл билан ҳакамлар орасида етакчилик қилмоқда.

2003 йилдан буён ФИФА таснифдаги мусобақаларда ҳакамлик қилиб келаётган Р.Эрматов футбол бўйича деярли барча нуфузли мусобақаларни бошқарган. У Осиёнинг «Энг яхши ҳакам» номинациясида кетма-кет тўрт мартаба ғолиб бўлган қитъамиздаги ягона футбол ҳакамидир. Халқаро футбол уюшмалари федерацияси уни 2011 йилда жаҳоннинг энг яхши ҳаками, деб эътироф этди.

Бразилияда ўтказилаётган футбол бўйича жаҳон чемпионати учрашувларини бошқаришда Равшан Эрматовга ҳамкорлигимиз, Осиё футбол конфедерацияси томонидан 2011 йилда қитъамизнинг энг яхши қанот ҳаками, деб топилган Абдухамидулло Расулов ва қирғизистонлик Баҳодир Қўчқоров ёрдам бермоқда.

(ЎЗА)

КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

Кеча жаҳон чемпионатида бири-бирдан қизиқарли баҳслар бўлиб ўтди.

С гуруҳидаги Португалия — Германия терма жамоалари иштирокидаги дастлабки ўйинни мухлис мутахассислар ораёқиб кўтишганди. Зеро, Роналду, Нани бошчилигидаги португалияликлар «немис машинаси»га қандай қаршилиқ кўрсатади, деган саволга ушбу ўйин давомида жавоб топиларди.

Германия терма жамоаси дастлабки учрашувда ўзининг энг яхши ҳислатларини намойиш қилди. Юксак техникага асосланган тезкор ўйин, аниқ тўп оширишлару шиддатли ҳужумлар рақибни бир оз саросимага солиб қўйди. Натижа эса узоқ куттирмади — 11-дақиқадак немисларнинг етакчи ҳужумчиси Томас Мюллер пенальтидан ҳисобни очди. Германия термасининг кўп сонли ҳужумларининг бирида 31-дақиқада ҳимоячи Матс Хуммельс бурчакдан чиқарилган тўпни боши билан дарвозага йўллаб ҳисобни оширди.

Кўполиги учун 36-дақиқада португалиялик Пеннинг майдондан қачириб юборилиши ушбу жамоанинг аҳволи янада оғирлаштириб юборди.

45-дақиқада Томас Мюллер майдон марказидан тўриб аниқ зарба билан учинчи тўпни киритганидан сўнг германияликларнинг йирик ҳисобда ғалаба қозонишларига шубҳа қолмади.

Иккинчи тайм ҳам немислар устунлигида ўтган бўлса-да, улар бир оз хотиржамликка берилишди. Португалия термасини эса таниб бўлмади. Бироқ бир бор Роналдунинг қучли ва аниқ жарима зарбасини бергани ёдда қолди. Бироқ немислар дарвозабони уни қайтарди.

Кўп сонли ҳужумларнинг бирида дарвозабон тўпни қайтаргани билан ҳозир нозир бўлган Мюллер яна битта гол киритиб, чемпионатдаги илк ҳет-трикка эришди. Ўйин эса Германия терма жамоасининг 4:0 ҳисобидаги йирик ғалабаси билан аяқланди.

Шу гуруҳдан ўрин олган Гана — АҚШ жамоалари учрашувда кўпчилик африкалик футболчилар зафар кучади, деб ўйлашганди. Бироқ германиялик мутахассис Юрген Клинсманн шогирдлари бўлиш АҚШ футболчилари қутилмаганда чиройли ўйин кўрсатиб, майдонда устунлик қилишди. 1-дақиқадак улар Клинт Демпси зарбасидан сўнг ҳисобда олдинга ўтиб олишди.

Ганаликлар иккинчи бўлимда ҳисобни тенглаштирган бўлсаларда, учрашув охирида ҳимоячи Жон Брукс боши билан аjoyиб тўп киритиб, АҚШ терма жамоасининг ғалабасини таъминлади.

Ғ гуруҳида тўп сураётган Эрон — Нигерия жамоалари ўртасидаги ўйинда чемпионатда илк бор бирорта тўп киритилмагани ҳолда 0:0 ҳисоби қайи этилди.

Бугун Н гуруҳида Бельгия — Жазиор ҳамда Россия — Жанубий Корея жамоалари учрашувлари бўлиб ўтади.

Дилшод ИСРОИЛОВ

Енгил атлетика

АТЛЕТЛАРИМИЗ ШОҲСУПАДА!

Хитой Тайпейда енгил атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ёш спортчиларимиз битта кумуш ва иккита бронза медални қўлга киритди.

Қизлар ўртасидаги 400 метрга югуриш баҳсларида Лилия Манасипова маррага 54,11 сонияда етиб келиб, иккинчи ўринни эгаллади. 200 метрга югуриш баҳсида қатнашган Нигина Шарипова эса бронза медал билан тақдирланди.

Ўсмирлар ўртасидаги узунлик сакраш баҳсида ҳамюртимиз Темур Хуснуллин шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Литванинг Вильнюс шаҳрида дзюдо бўйича паралимпиячилар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда ҳамюртларимиз 5 олтин, 2 кумуш ва 1 бронза медалини қўлга киритиб, йигирма давлат вакиллари орасида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Паралимпия

ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗНИНГ ЛИТВАДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциациясидан маълум қилишларича, турнирнинг эркаклар ўртасидаги беллашувларида қатнашган Шерзод Намозов, Ўткир Нигматов, Феруз Саидов, Шухрат Бобоев ва Одил Тулендибоев ўз вазн тоифасида барча рақибни мағлубиятга учратиб, шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

2012 йил Лондон шаҳрида ўтган XIV Паралимпия ўйинлари совриндори Ша-

риф Халилов вазни 66 килограммгача бўлган дзюдо-чилар баҳсида иккинчи ўринни эгаллади.

Хотин-қизлар ўртасида Юлдуз Эркаева кумуш, Гулрух Раҳимова бронза медал иштирокчилари учун Тошкент планетарийси ҳамда Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғига саёҳат уюштирилди.

Энди ҳамюртларимиз АҚШда ўтадиган жаҳон чемпионати ва Жанубий Кореянинг Инчон шаҳри мезбонлик қилаётган Парасиё ўйинларида иштирок этади.

Байрам АЙТМУРДОВ,
ЎЗА мухбири

Божхона

МЎМАЙ ДАРОМАД ИЛИНЖИДАГИ УРИНИШЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Косметика ва парфюмерия воситаларининг бозори ҳамиша қаққон ҳисобланади. Бундан эса сохта «тадбиркорлар мўмай даромад илинжида фойдаланиб қолмоқда» уринишлари. Аммо, ташқи гўзаллик учун хизмат қилувчи парфюмерия ва косметика воситаларининг таркибида кимёвий моддалар жуда катта миқдорни ташкил қилишини, боз устига уларнинг янада зарарли ҳисобланган қалбаки ва контрафакт нусхалари ёйилаётганлигини инобатга олсак, мазкур масаланинг қанчалик жиддий таҳдид эканлигини англаш қийин эмас.

Республикамиз божхоначилари томонидан сифати кафолатланмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган бу турдаги маҳсулотларнинг олиб ўтилишига қарши чора-тадбирлар давом эттирилмоқда.

Яқинда пойтахтимиз божхоначилари томонидан божхона расмийлаштируви ва сифатини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган йирик миқдордаги товар-моддий бойликларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйилди.

Жумладан, «Келес» темир йўл божхона пости ходимлари томонидан «Москва-Тошкент» йўналишидаги поезд йўловчиларидан бири фуқаро Б.Мавляновнинг қўл юклари божхона кўригидан ўтказилганда, унинг божхона баённомасида ва божхона инспекторининг оғзаки

сўрови пайтида маълум қилмасдан қиймати 2 млн. сўмдан ортиқ 200 донадан зиёд парфюмерия ва косметика маҳсулотларини ноқонуний тарзда олиб ўтишга урингани фош қилинди.

Шунга ўхшаш ҳолатда божхона ходимлари Харьковдан қайтган темир йўл поезди йўловчиси фуқаро А.Холмирзаевнинг қинғирликларига нукта қўйишди. Ушбу шахс ҳам қиймати 7,5 млн. сўмдан ортиқ 200 донадан зиёд парфюмерия воситаларини юртимизга яширин тарзда олиб киришга уринган экан.

Тезкор маълумотларга кўра, пойтахт божхоначилари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари билан ҳамкорликда фуқаро М.Толипов бошқару-

видаги автоуовлар ва унинг хонадони ўрнатилган тартибда ва ҳолислар иштирокида кўздан кеңирилганда хорижда ишлаб чиқарилган жами 147 турдаги косметика ва парфюмерия маҳсулотлари ноқонуний равишда сакланаётганлиги аниқланди. Юк эгаси М.Толипов қиймати 30 млн. сўмдан ортиқ ушбу товарларнинг божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи биринта ҳам ҳужжатни божхоначиларга тақдим қила олмади.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Рақамларга мурожаат қилсак, республикамиз божхона ходимлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида аниқланган мингдан зиёд қонунбузарлик ҳолатларида қиймати 4183,2 млн. сўмлик косметика ва парфюмерия воситаларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Давлат божхона қўмитаси
Ахборот хизмати
материаллари асосида
Даврон НУРМАТОВ тайёрлади



Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.
11961 нусхада босилди.
Қозғалдирилган А-2

Топпириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроил

Босишга топширилди: 15.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ